

*Джўрабоева Х.Ш.*

*Фаргона давлат университети*

*география кафедраси докторанти*

*Ўзбекистон Республикаси, Фаргона шаҳри*

## **МАДАНИЯТНИНГ ХУДУДИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ГЕОГРАФИК**

### **ТАДҚИҚ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Аннотация:* Бугунги кунда инсоният олдида турган глобал муаммолар, жумладан, жаҳон миқёсида кузатилаётган экологик инқирозлар ва табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоси иқтисодий ёки сиёсий соҳаларда эмас, балки айнан маданият соҳасида ҳал этилиши лозимлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Ушбу мақолада маданиятнинг ҳудудий жиҳатлари ва уни географик ўрганишнинг асосий йўналишлари очиқ берилган.

*Калим сўзлар:* анъана, моддий маданият, маънавий маданият, урф-одат, қадрият, этнос, табиий мувозанат.

*Jurabaeva X.Sh..*

*Ferghana state university*

*doctoral student of the Department of Geography*

*Uzbekistan, Ferghana*

## **DIRECTIONS OF GEOGRAPHICAL RESEARCH OF TERRITORIAL**

### **ASPECTS OF CULTURE**

*Annotation:* It is becoming more and more clear that the global problems facing humanity today, including the environmental crises observed on a global scale and the problem of the use of natural resources, should not be solved in the economic or political spheres, but in the sphere of culture. This article reveals the territorial aspects of culture and the main directions of its geographical study.

*Keywords:* tradition, material culture, spiritual culture, tradition, value, Ethnos, natural balance

Ҳар бир ҳудуднинг табиий, минтақавий ҳамда тарихий ўзига хослиги шу ерда яшовчи этнос учунгина хос бўлган маданиятнинг ривожланишига шароит яратади. Маданият эса ўз навбатида этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ёки таназзулига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Маданиятдаги ўзига хослик этносларнинг яшаш муҳитига мос ҳолдаги турмуш тарзида ҳамда хўжалик фаолияти юритиш учун табиатдан фойдаланишида намоён бўлади. В.Г.Богараз-Тан таъкидлаганидек, муайян ҳудудда яшовчи «махаллий аҳоли маданиятига назар ташласак, ҳатто энг қолоқ халқлар ҳам ўзи яшаб турган атроф-муҳитга мукамал даражада мослашган, такрорланмас маданий қадриятларга эга эканлигини кўриш мумкин...» [3, 38-б.]. Демак, этнос билан ҳудуд ўртасида ўзаро узвий алоқа бўлиб, бир жойда узоқ вақт (бир неча авлод) яшаган этноснинг табиатдан фойдаланиш ҳамда хўжалик юритиш анъаналари муқим ҳолатга келади ва маданий қадрият даражасига кўтарилади.

Олимларнинг фикрича, инсоният олдида турган экологик инқирозларнинг вужудга келиши маънавий қашшоқлик ва маданий тараққиётдаги умумий таназзул билан боғлиқ. Ҳозирги глобал иқлим ўзгариши шароитида жаҳон миқёсида кузатилаётган чучук сув тақчиллиги ва трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоси ҳам иқтисодий ёки сиёсий соҳаларда эмас, балки, айнан маданият соҳасида ҳал этилиши лозимлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Маданият ҳодисасини ифодалаш учун Фарбда «culture» (лотинча «ерга ишлов бериш», «ерни парваришlash», «деҳқончилик меҳнати») Шарқда, хусусан, туркий халқларда араб тилидаги «مَدِينَةٌ» - «мадина» («шаҳарга хос», «шаҳарга оид») атамасидан фойдаланилади [1, 2]. Жамият тарихининг ўтган даври давомида тадқиқотчилар томонидан цивилизациялар, турли-туман маданиятлар тараққиётига оид жуда бой ва сермахсул маълумотлар йиғилганига қарамай, ҳозиргача фанда маданият атамасининг ягона, мукамал таърифи йўқ. Ҳозирги кунда аксарият илмий нашрларда

маданиятнинг 600дан ортиқ таърифлар борлиги таъкидланмоқда [ 1, 2, 11]. Маданиятни ўрганувчи фанлар ўз вазифа ва мақсадларидан, ҳар бир тадқиқотчи эса ўз дунёқараши ва ёндашувидан келиб чиққан ҳолда, маданиятнинг таърифини яратади.

Маданият ҳодисаси маданиятшунослик, этнология, фалсафа, тарих, социология, санъат, ахлоқ, эстетика, диншунослик, фольклоршунослик, археология ва бошқа кўплаб фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Маданиятни тадқиқ этишда табиий ва ижтимоий фанлар чорраҳасида жойлашган география фани «фанлар орасида қулай «географик ўрин»га эга». Кейинги йилларда этнологияга доир нашрларда ҳам географик омил этноснинг пайдо бўлиши ва мавжудлигини таъминловчи зарурий шартлардан бири сифатида қаралмоқда. Географик омилнинг таъсирини этноснинг нафақат моддий, балки маънавий маданиятини шаклланишига, унинг руҳиятига ҳам таъсир қилишини, бу эса ўзига хос миллий хусусиятларда, урф-одат, расм-русум, анъана ва қадриятларда намоён бўлишини таъкидланмоқда [12].

XIX-XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар, яратилган тамойил ва таълимотлар география, этнология, экология, маданиятшунослик, социология ва бошқа фанлар чорраҳасида маданият географияси, маданий экология, мерос географияси, экологик антропология, этногеография, этноэкология, этнометеорология, этнопсихология, этнотопонимика каби бир қатор янги илмий йўналишларнинг ривожланишига асос бўлди. География фани доирасида маданиятга бир томондан реал ҳодиса сифатида қаралиб, унга «макондаги объект» (турли маданий объектларнинг ҳудудий ташкил этилиши, уларнинг ландшафтдаги ифодаси,...) нуқтаи назаридан ёндошиш мумкин. Бошқа томондан эса «маконни ўзлаштириш» (географик макон ғояси, турли ҳудудларнинг қиёфаси, маҳаллий жамоаларнинг маълум бир табиий ёки ижтимоий муҳитга муносабати) жиҳатидан ёндошилади [5]. Ҳозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида маданий

география, этноэкология ҳамда мерос географияси йўналишлари жадал суръатлар билан тараккий этиб бормоқда.

Маданият географияси ёки маданий география ижтимоий-иқтисодий географиянинг тез ривожланиб бораётган илмий йўналишларидан биридир. «Маданий география» (Cultural geography) ибораси кўпроқ Европа ва Америка мамлакатларида, «маданият географияси» (география культуры) эса асосан Россия ва МДХ давлатларида қўлланилмоқда [6.10-б]. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда маданий география ижтимоий географиянинг тўрт етакчи тармоғи (иқтисодий география, ижтимоий география ва сиёсий география)дан бири бўлиб, МДХда, жумладан, Россияда XX асрнинг 70-80 йилларидан ривожлана бошлади [6, 8].

Маданий географияга XX асрнинг 20-йилларида АҚШлик К.О.Зауэр (1889-1975) томонидан асос солинди. Ушбу йўналишнинг муҳим тушунчаси ҳисобланган «маданий ландшафт» ҳам шу олим томонидан фанга киритилган. К.О.Зауэрнинг фикрича, «маданият - ташқи фаол куч, табиий жараёнлар эса муҳитдир. Уларнинг ўзаро таъсири натижасида маданий ландшафт вужудга келади». [10. с.18]. Маданият географияси фанлараро хусусиятга эга бўлиб, Р.Ф.Туровский бу йўналиш «маданиятшунослик ва география фанлари чорраҳасида шаклланган»лигини таъкидлайди [11. с. 11]. А.Г.Дружинин ва В.Н.Стрелецкийнинг ёзишича, «маданият географиясининг шаклланиши, биринчи навбатда, илмий билимларнинг иккита асосий тармоғи – география ва маданий антропологиянинг ўзаро узвий таъсири жараёнида содир бўлган» [7. с. 5]. Маданият географияси ўрганадиган муаммолар доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: инсон жамоалари билан уларнинг яшаш муҳити ўртасидаги ўзаро алоқадорлик; этник гуруҳ томонидан ҳудуднинг моддий ва маънавий ўзлаштирилиши; маданий алоқаларнинг асл географик сабаблари; ҳаётни таъминлашнинг минтақавий ва маҳаллий тизимлари; ҳудудий аҳамиятга эга қадриятлар ва хулқ-атвор

стратегиялари; аҳоли пунктлари ва демографик жараёнларнинг маданий-этник хусусиятлари; маданий географик районлаштириш ва бошқалар.

МДХда маданият географиясининг мукаммал назарий асослари А.Г.Дружинин (1989; 1999) ва В.Н.Калуцков (2016) томонидан ишлаб чиқилган. А.Г.Дружинин маданиятга қуйидагича таъриф беради: «Ҳар қандай сайёравий ҳодиса каби маданият ҳам ҳудудийдир, яъни, географик омилининг кенг миқёсдаги таъсирини бошдан кечиради, макон жиҳатдан фарқланади ва ўзига хос кўринишларда ташкил этилади, имманент (ички) ҳудудий шаклларда ривожланади» [6. с.4]. У маданият географиясини «ҳудудий ижтимоий тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият жараёнида маданиятнинг ҳудудий қонуниятларини ўрганадиган географик билимларнинг ўзига хос тармоғи» сифатида эътироф этади. В.Н.Калуцков томонидан олиб борилаётган изланишларда маданий ландшафт концепцияси, адабиёт географияси ҳамда топонимикага оид тадқиқотлар асосий ўринни эгаллайди. Унинг ёзишича, географиянинг долзарб назарий-методологик муаммоларидан бири тилнинг маданий ва лингвистик ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга асосланган ландшафт назариясини ривожлантиришдир [8].

Ю.А.Ведениннинг илмий тадқиқотларида табиий ва маданий меросни ўрганиш, тавсифлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда географиянинг муҳим ўрни борлиги кўрсатиб берилди. Географиянинг мерос соҳаси билан алоқаси уни ўрганиш ва сақлаш тамойиллари ҳамда усулларини сезиларли даражада кенгайтди. Ю.А.Веденин меросни ўрганиш ва сақлашнинг географик тамойиллари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: маданий ва табиий хилма-хилликни сақлаш; ҳудудий яхлитлик; маданий ландшафт; экологик тамойил ва бошқалар. У маданий меросни ўрганиш ва муҳофаза қилишда биринчи марта ландшафт концепциясини қўллади ва маданият экологиясининг ажралмас қисми сифатида мерос экологияси ғоясини киритди [4].

Кейинги йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, жумладан, Ўзбекистонда ривожланиб бораётган янги илмий йўналишлардан бири этноэкология (юнон тилида *ethnos* – халқ, *oikos* – уй, бошпана, *logos* – сўз, таълимот)дир. Бу атамани Филиппиндаги қадимги Хануно ёзувларини ўрганган америкалик антрополог Г.К.Конклин ўзининг «Связь культуры Хануно с растительным миром» (1954) номли тадқиқот ишида илмий ёндашув сифатида фанга киритди. Унинг тушунтиришича, этноэкологиянинг вазифаси табиат ҳақидаги халқ билимларини жамлаш ва уларни атроф муҳит билан бўладиган алоқада қўллаш усуллари ишлаб чиқаришдан иборат, деб кўрсатилади.

Этноэкологик тадқиқотларнинг ривожланишида тарихчи ва этнограф олимлар - В.И.Козлов, С.А.Арутюнов, И.И.Крупник, Ф.Р.Итс, С.С.Губаева, А.Н.Ямсков, географ олимлардан С.М.Мягков, К.Б.Клоков, И.Ю.Гладкий, М.В.Рагулина ва бошқаларнинг хизматлари катта. Ҳозирги кунда этноэкологиянинг асосий тушунчалари - маданий мослашув, тирикликни таъминлаш маданияти (Арутюнов, 1983), этноэкологизимлар (Крупник, 1989) табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш (Ямсков, 2009) кабилар этнолог, географ, эколог, файласуф ва бошқа соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилмоқда. Этноэкология атамасини Россияда биринчи бўлиб қўллаган тарихчи олим В.И.Козлов (1983) қайд этганидек, МДХда «этническая экологиянинг шаклланиши бир қатор сабаблар, биринчи навбатда, XIX асрнинг охири XX аср бошларида табиий фанларни ижтимоий фанлардан ажратилиши туфайли кечиктирилди. Хусусан, илгари ягона халқшунослик фанига бирлаштирилган география – табиий фанларга, этнография эса ижтимоий фанлар қаторига киритилди. Бунинг оқибатида табиий ва ҳатто иқтисодий географияда «инсон», этнографияда эса «табиий муҳит» йўқола бошлади» [9. с.6].

Шундай қилиб, географик тадқиқ этишда маданиятга экологик-географик йўналишдаги тадқиқот объекти сифатида ёндошилади, асосий

этибор этносларнинг атроф-табий мухит билан онгли фаолияти воситачилигида бўладиган алоқаларини ўрганишга қаратилади. Чунки фақат география фани Ер шарини ландшафтларнинг барча хилма-хиллиги, иқлим, тупроқ, сув, табий яшаш шароитларидаги фарқлар билан камраб ўрганади, бу омиллар эса ўз навбатида хилма-хил маданият турларининг, шу жумладан анъанавий сувдан фойдаланиш маданиятининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Абдурахмонов М., Раҳмонов Н. Маданиятшунослик.// Ўқув кўлланма. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. – 217 б. (3)
2. Ахмадалиев Ю. Этноэкология. (географик жиҳатлари). – Фарғона: “Classic”, 2021. 286б.
3. Богараз-Тан В.Г. Распространение культуры на Земле. Основы этногеографии. Л.: 1928.- С.38. (1)
4. Веденин Ю.А. Формирование нового культурно-экологического подхода к сохранению наследия // Экология культуры: Альманах Института Наследия «Территория». – М.: Институт Наследия, 2000. С.74-82.
5. Гладкий И.Ю. Географические основы этнической экологии: Дисс. ... доктора геогр.наук. – СПб, 2006-380 с.
6. Дружинин А.Г. Теоретические основы географии культуры. Ростов-на-Дону: из-во СКНЦВШ, 1999. - 151 с. (7)
7. Дружинин А.Г., Стрелецкий В.Н. “Культурная составляющая” общественной географии в современной России: генезис, особенности и приоритетные направления развития./ Известия РАН. серия географическая № 1. 2015.с. 5-20.
8. Калуцков В.Н. Культурная география России. Часть 1. Теоретический и специальный разделы. Учебное пособие. М.: факультет иностранных языков и регионоведения МГУ, 2016. 140 с.
9. Козлов, В.И. Основные проблемы этнической экологии. //Сов. этнография, 1983, № 1,-С.3-16
10. Стрелецкий В.Н. Концепт культурного ландшафта в мировой культурной географии: научные истоки и современные интерпретации/ Человек: Образ и сущность. Гуманитарные аспекты. №1. М.: 2019, С.48-78.
11. Туровский Р. Ф. Культурная география: теоретические основания и пути развития // В кн.: Культурная география / Науч. ред.: Р. Ф. Туровский,

Ю. А. Веденин. М. : Российский НИИ культурного и природного наследия имени Д.С. Лихачёва, 2001. С. 10-94.

12. Культурология: Учебное пособие / Под ред. проф. Г.В. Драча. - М.: Альфа-М, 2003. - 432 с. (2)

13. Этнология: Учебник / Г. Т. Тавадов. — 2-е изд. — М.: «Дашков и К°», 2016. — 408 с.(5)